


БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИ

(2018 йил январь-декабрь)


2018 йил январь-декабрь ойлари якунларига кўра, Вилоятда ташқи савдо айланмаси 893,5 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,8 %га ўсди. Шу жумладан, экспорт ҳажми 162,8 млн. АҚШ долларга (19,3 %га камайган) ва импорт ҳажми 730,7 млн. АҚШ долларига (ўсиш суръати 36,8 %) етди. Ташқи савдо сальдоси минус 567,9 млн. АҚШ долларини ташкил қилди.

Бухоро вилоятининг ташқи савдо айланмаси
(млн. АҚШ доллари)



Сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан саноат тузилмасини диверсификация қилиниши, экспортни қўллаб-қувватлаш, импорт ўрнини босувчи товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада оширилиши натижасида экспорт таркибида сезиларли ўзгаришга эришилди. Жумладан, хом-ашё экспортидан, қўшилган қиймати юқори ҳамда сармоя талаб товарлар экспортига йўналтирилган ташқи савдо амалга оширилмоқда.


Экспортда пахта толаси улушининг динамикаси, % (январь-декабрь ойларида)



Шу билан бирга таъкидлаб ўтиш керакки, 2018 йилнинг декабрь ойида экспорт қилинган товар ва хизматлар, ноябрь ойига нисбатан 21,1 млн. АҚШ долларга кўпроқ экспорт қилинди ва 162,8 млн. АҚШ

долларини ташкил этди. Товар ва хизматлар импорти ҳажми эса 730,7 млн. АҚШ долларини ташкил қилган бўлиб, бу эса ноябрь ойига нисбатан 11,2 млн. АҚШ долларига кўпроқдир.

2018 йилда товар ва хизматларнинг ойлик экспорт-импорт кўрсаткичлари динамикаси
(млн. АҚШ доллари)



2018 йил январь-декабрь ойларида вилоят ташқи савдо айланмасида юқори улушга эга давлатлар кетма-кетлиги жорий йилнинг январь оидан буён деярли ўзгаришсиз қолмоқда.

**Вилоят ташқи савдо айланмасида
юқори улушга эга давлатлар**

(млн. АҚШ доллари)

Давлат номи	Ташқи савдо айланмаси	Экспорт	Импорт	Ташқи савдо айланмаси	
				улуши, %	ўзгариш суръати, %
АҚШ	5,8	5,7	0,1	5,7	11,4 м.к
АРГЕНТИНА	5,9	5,8	0,1	5,8	24,8 м.к
БАНГЛАДЕШ	9,6	0,3	9,3	0,3	78,4
ГЕРМАНИЯ	28,7	0,1	28,6	0,1	2,5 м.к
КОЗОҒИСТОН	24,1	9,3	14,7	9,3	89,1
КОРЕЯ	13,9	0,8	13,1	0,8	2,1 м.к
ПАКИСТАН	8,4	0,3	8,1	0,3	10,3 м.к
РОССИЯ	273,2	21,7	251,5	21,7	62,2
ТУРКИЯ	25,2	1,5	23,7	1,5	2,6 м.к
ТУРКМАНИСТОН	188,2	2,9	185,3	2,9	2,2 м.к
УКРАИНА	11,2	0,9	10,3	0,9	85,7
ХИТОЙ	122,5	22,4	100,1	22,4	102,5
ЭРОН	97,0	70,9	26,1	70,9	148,8

Вилоятимизда ташқи савдони қўллаб-қувватлаш ҳамда МДҲ давлатлари билан ушбу соҳадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида 2018 йил январь-декабрь ойларида ташқи савдо айланмасида МДҲ давлатларининг улуши 57,0 %ни ташкил этди ҳамда ташқи савдо айланмаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11,8 % га камайди. Бошқа хорижий давлатларнинг вилоят ташқи савдо айланмасидаги улуши 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида 61,1 %ни ташкил қилган бўлса, жорий йилнинг ушбу даврида эса ташқи савдо айланмасидаги улуши 61,7 %га етди.

**Бухоро вилоятининг
айрим ҳамкор давлатлар билан ташқи савдо айланмаси динамикаси**

(млн. АҚШ доллари)

Давлат номи	2015 йил январь-декабрь	2016 йил январь-декабрь	2017 йил январь-декабрь	2018 йил январь-декабрь
Хитой	4 134,1	48,5	125,5	122,5
экспорт	1 651,4	21,6	31,9	22,4
импорт	2 482,8	26,9	93,6	100,1
сальдо	- 831,4	- 5,3	- 61,7	- 77,7
Россия	4 302,5	303,0	440,7	273,2
экспорт	2 182,4	18,9	18,7	21,7
импорт	2 120,1	284,1	422,0	251,5
сальдо	62,2	- 265,2	- 403,3	-229,8
Қозоғистон	53,9	24,5	28,3	24,0
экспорт	40,0	18,8	20,5	9,3
импорт	13,9	5,7	7,8	14,7
сальдо	26,1	13,1	12,7	- 5,4
Туркия	30,0	9,0	12,3	25,2
экспорт	22,3	5,2	5,8	1,5
импорт	7,7	3,8	6,5	23,7
сальдо	14,6	1,4	- 0,7	- 22,2
Корея Республикаси	1 601,6	916,4	1 231,1	1 784,0
экспорт	138,4	151,6	98,2	83,7
импорт	1 463,3	764,8	1 132,9	1 700,3
сальдо	- 1 324,9	- 613,2	- 1 034,7	- 1 616,6
Германия	3,1	7,0	12,0	28,7
экспорт	0,5	0,5	0,4	0,1
импорт	2,6	6,5	11,6	28,6
сальдо	- 2,1	- 6,0	- 11,2	- 28,5

(млн. АҚШ доллары)

Давлат номи	2015 йил январь-декабрь	2016 йил январь-декабрь	2017 йил январь-декабрь	2018 йил январь-декабрь
Афғонистон	412,7	456,3	544,0	558,7
экспорт	412,1	453,9	541,9	556,7
импорт	0,6	2,4	2,1	2,0
сальдо	411,5	451,5	539,8	554,7
Япония	245,0	230,4	145,7	525,2
экспорт	7,1	11,7	11,3	12,4
импорт	237,8	218,7	134,3	512,9
сальдо	- 230,7	- 207,0	- 123,0	- 500,5
Латвия	164,4	275,7	259,6	392,1
экспорт	38,1	51,2	72,0	37,4
импорт	126,3	224,5	187,6	354,7
сальдо	- 88,1	- 173,3	- 115,6	- 317,4
Украина	18,2	5,4	13,0	11,2
экспорт	1,1	0,6	1,2	0,9
импорт	2,5	4,8	11,8	10,3
сальдо	- 1,4	- 4,2	- 10,6	- 9,4
Беларусь	2,1	4,8	7,9	9,6
экспорт	0,5	1,5	1,7	0,3
импорт	1,6	3,3	6,2	9,3
сальдо	- 1,1	- 1,8	- 4,5	- 9,3
Эрон	72,3	137,5	65,2	97,0
экспорт	68,4	133,3	60,7	70,9
импорт	3,9	4,2	4,5	26,1
сальдо	64,5	129,1	56,2	44,8
Туркманистон	189,1	102,5	87,0	188,2
экспорт	9,9	4,9	3,2	2,9

(млн. АҚШ доллары)


Давлат номи	2015 йил январь-декабрь	2016 йил январь-декабрь	2017 йил январь-декабрь	2018 йил январь-декабрь
импорт	179,2	97,6	83,8	185,3
сальдо	169,3	- 92,7	-80,6	-182,4

ЭКСПОРТ


2018 йил январь-декабрь ойларида экспорт ҳажми 162,8 млн. АҚШ долларга (19,3 % га камайган) тенг бўлди. Экспорт таркибида товарлар 75,5 % улушга эга, булар асосан энергия манбаалари ва нефть маҳсулотлари (21,0 %), озиқ-овқат маҳсулотлари (9,0 %), шунингдек, кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар (7,3 %) гурухлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Товар ва хизматлар экспорти таркиби
(млн.АҚШ доллари)

2017 йил
январь-декабрь



2018 йил
январь-декабрь



- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимё маҳсулотлари ва буюмлари
- Энергия манбаалари ва нефть маҳсулотлари
- Қора ва рангли металлар


- Машина ва асбоб-ускуналар
- Хизматлар
- Олтин
- Тўқимачилик маҳсулотлари
- Қора ва рангли металлар

Экспорт таркиби

	Жами			МДҲ давлатлари			Бошқа давлатлар		
	млн. АҚШ долл.	ўтган йилга нисбатан, %	умумий ҳажмга нисбатан, %	млн. АҚШ долл.	ўтган йилга нисбатан, %	умумий ҳажмга нисбатан, %	млн. АҚШ долл.	ўтган йилга нисбатан, %	умумий ҳажмга нисбатан, %
Экспорт	162,8	80,7	100,0	73,7	489,5	100,0	126,0	80,7	100,0
Озиқ-овқат маҳсулотлари	86,6	91,9	53,2	36,8	81,0	-	86,6	-	68,7
Кимё маҳсулотлари ва буюмлари	14,0	56,3	8,6	10,5	47,9	28,6	3,5	119,6	2,8
Энергия манбаалари ва нефть маҳсулотлари	1,8	79,4	1,1	1,5	120,0	4,2	0,3	30,0	0,2
Қора ва рангли металлар	4,0	14,7	2,5	0,0	3,4	-	4,0	14,8	3,2
Машина ва асбоб -ускуналар	0,2	-	0,1	0,1	-	0,2	0,1	-	0,1
Хизматлар	20,2	93,2	12,4	6,5	114,1	17,5	13,8	85,8	10,9
Бошқалар	35,9	116,0	22,1	18,2	112,4	49,5	17,7	120,1	14,1

Экспорт қилинаётган товар ва хизматларнинг ойлар кесимидағи ўсиш суръатлари бўйича қуида келтирилган маълумотлардан шуни кўришимиз мумкинки, жорий йилнинг январь-декабрь ойлари давомида энг юқори ўсиш суръатлари февраль, март, июнь, апрель ва май ойларида кузатилган.

Товар ва хизматлар экспортининг ўсиш суръатлари динамикаси (ўтган ойга нисбатан, %)



Шунингдек, товар ва хизматлар экспорти ўсиш суръатларининг таҳлилига асосан, 2018 йилнинг декабрь ойида экспорт қилинган товар ва хизматлар ноябрь ойига нисбатан 14,9 %га ошган.

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида экспорт қилинган айрим турдаги маҳсулотлар таркиби


	млн. АҚШ долл.	ўтган йилга нисбатан, %		млн. АҚШ долл.	ўтган йилга нисбатан, %
Озиқ-овқат маҳсулотлари					
мева маҳсулотлари	5,3	42,4	алкоголли ва алкогольсиз ичимликлар	0,8	114,3
сабзавот маҳсулотлари	4,3	55,8	буғдои	0,9	64,3
Кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар					
пластмассалар ва улардан тайёрланган буюмлар	0,04	3,0 б	фармацевтика маҳсулотлари	0,5	22,2

аммиак	0,8	80,0	кимёвий штапелли тола	0,3	21,4
Энергия манбаалари ва нефть маҳсулотлари					
қайта ишланган бошқа нефть маҳсулотлари	4,1	14,5			
Қора ва рангли металлар					
қора металлардан тайёрланган босма ва дағал буюмлар	0,2	-			
Машина ва асбоб-ускуналар					
электр занжирларини алмаштириш ёки химоя қилиш жиҳозлари	0,05	45,4			
Бошқалар					
тўқимачилик маҳсулотлари	1,2	-	оёқ кийим, гетра ва уларнинг қисмлари	0,007	-
чарм хом-ашёси, чарм ва жун, улардан тайёрланган буюмлар	0,2	50,0	қоғоз, картон ва матбаа буюмлари	0,005	16,3 б.

Хизматлар экспорти ҳажми 20,2 млн. АҚШ долларини ёки жами экспорт ҳажмининг 12,4 %ини ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 93,2 %га ўсганлиги кузатилди.


Хизматлар экспорти таркибининг асосий улуши транспорт хизматлари, туризм хизматлари, телекоммуникация, компьютер ва ахборот хизматлари ҳамда молиявий хизматлар ҳиссасига тўғри келади.

Хизматлар экспорти таркиби, (%)




Товар ва хизматлар экспорти динамикаси таҳлилига кўра, 2018 йилнинг декабрь ойи мобайнида экспорт қилинган товарлар ҳажми, ноябрь ойига нисбатан 21,1 млн. АҚШ долларига кўп экспорт қилинди ва 162,8 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Хизматлар экспорти эса 20,2 млн. АҚШ долларга етган.

2018 йилда товарлар ва хизматлар экспорти динамикаси
(оилар кесимида, млн. АҚШ доллари)



Вилоят экспортида асосий ҳамкор давлатларнинг улуши
(январь-декабрь)



Экспорт қилинаётган товар ва хизматларнинг асосий қисми Хитой Ҳалқ Республикаси ва Россия Федерацияси ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу эса умумий экспорт ҳажмининг 44,3 % ини ташкил қиласди. Хитой Ҳалқ Республикаси ва Россия Федерациясига экспорт қилинаётган товарлар

таркибига назар ташласак, асосан энергия манбаалари ва нефть маҳсулотлари, кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари гурӯҳларидан иборат эканлигини кўришимиз мумкин.

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида жами 9,5 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулотлари 8,7 млн. АҚШ долларига экспорт қилинди (ўсиш суръати - 48,4 %). Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт таркибига қаралса, 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида 9,5 минг тоннадан кўпроқ сабзавотлар 8,5 млн. АҚШ долларига ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,5 минг тоннага кўп миқдорда экспорт қилинган.

Шунингдек, 8,0 минг тонна мева ва резаворлар 15,1 млн. АҚШ долларига экспорт қилинган.

Мева-сабзавот маҳсулотларининг таркиби




кенгайтириш, янги бозорларни ўзлаштириш натижасида мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни экспорт қилиш ҳажми ошиб бормоқда. Жумладан, 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида мева-резаворлар ҳамда сабзавотлар экспорт ҳажми 9,6 млн.АҚШ долларига етди (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 48,4%га ўсган).

ИМПОРТ

Жорий йилнинг январь-декабрь ойларида импорт ҳажми 730,7 млн. АҚШ долларига (ўсиш суръати 8,1 %) тенг бўлди. Импорт таркибида энг катта улуш машина ва асбоб ускуналар (41,9%), кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар (13,2 %) ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари (8,2 %) групхлари ҳисобига тўғри келди.

**Товар ва хизматлар импорти таркиби
(млн.АҚШ доллари)**




Импорт таркиби

	Жами			МДҲ давлатлари			Бошқа давлатлар		
	млн. АҚШ долл.	ўтган йилга нисбатан, %	умумий хажмага нисбатан, %	млн. АҚШ долл.	ўтган йилга нисбатан, %	умумий хажмага нисбатан, %	млн. АҚШ долл.	ўтган йилга нисбатан, %	умумий хажмага нисбатан, %
Импорт	730,7	108,1	100,0	472,5	88,9	100,0	258,2	178,8	100,0
Озиқ-овқат маҳсулотлари	1,8	6,1 м.к	3,3	8,8	3,8 м.к	1,9	15,0	9,7 м.к	5,8
Кимё маҳсулотлари ва буюмлари	4,0	178,8	5,6	7,96	166,1	1,7	33,2	182,1	12,9
Энергия манбаалари ва нефть маҳсулотлари	0,2	81,2	54,0	394,5	81,2	83,5	0,1	45,6	-
Қора ва рангли металлар	0,0	182,9	1,7	10,7	2,0 м.к	2,3	1,8	114,1	0,7
Машина ва асбоб -ускуналар	20,2	141,6	24,9	23,8	140,5	5,0	158,5	141,7	61,4
Хизматлар		83,0	0,1	0,0	-	-	0,6	9,3 м.к	0,2
Бошқалар	35,9	2,8 м.к	10,4	26,7	169,1	5,6	48,9	4,4 м.к	19,0

Импорт қилинган товар ва хизматларнинг ойлар кесимидағи ўсиш суръатлари бўйича қуида келтирилган маълумотлардан шуни кўришимиз мумкинки, жорий йилнинг январь-декабрь ойлари давомида энг юқори ўсиш суръатлари февраль, июль, август, октябрь ойларида кузатилган.

Товарлар ва хизматлар импортининг ўсиш суръатлари динамикаси (ўтган ойга нисбатан, %)



Шунингдек, товар ва хизматлар импорти ўсиш суръатларининг таҳлилига асосан, 2018 йилнинг декабрь ойида импорт қилинган товар ва хизматлар ноябрь ойига нисбатан 0,6 % га камайган.

2018 йилнинг январь-декабрь ойларида импорт қилинган айрим турдаги маҳсулотлар таркиби

	млн. АҚШ долл.	ўтган йилга нисбатан, %		млн. АҚШ долл.	ўтган йилга нисбатан, %
Озиқ-овқат маҳсулотлари					
шакар	8,3	x	хайвон ёки ўсимлик ёғ- мойлари	0,3	9,9
буғдой	0,3	11,2	қандолат маҳсулотлари	8,3	1143 м.к
ун	0,3	120,0	цитрус мевалар	5,2	26 м.к

тайёр ҳайвон еми	0,6	85,7	чой	0,4	62,5
------------------	-----	------	-----	-----	------

картошка	0,2	9,8	гүшт ва ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари	0,6	81,4
----------	-----	-----	--	-----	------

Кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар

фармацевтика маҳсулотлари	7,8	2,4 б	кимёвий штапелли тола	9,1	10,6
пластмасса ва пластмасса буюмлар	17,8	181,5	кимёвий ва минерал ўғитлар	0,8	2,0 б.
каучук и резина маҳсулотлари	1,3	2,6 б	парфюмерия-косметика ва ювиш воситалари	0,5	100,0
органик кимё бирикмалари маҳсулоти	2,5	148,0	Кимёвий толалар	5,1	3,4 б.

Энергия манбаалари ва нефть маҳсулотлари

нефтни қайта ишлиш маҳсулотлари	394,6	81,2			
---------------------------------	-------	------	--	--	--

Қора ва рангли металлар

қора металл ва ундан тайёрланган буюмлар	16,8	173,2	Алюминий ва ундан тайёрланган буюмлар	0,1	125,0
--	------	-------	---------------------------------------	-----	-------

Машина ва асбоб-ускуналар

автомобиль учун эҳтиёт қисмлар ва буюмлар	177,7.	176,6	тиббий асбоб-ускуналар	5,7	32,3 б
қишлоқ хўжалиги машиналари ва бошқа ускуналари	180,8	122,2	кондиционерлар, совуткичлар, музлаткичлар ва иситгичли ускуналар	149,7	15,3 б

Бошқалар

ёғоч ва ёғоч буюмлар	14,6	115,3	қимматбаҳо бўлмаган металлдан ишланган ошхона асбоб- анжомлари	1,3	190,5
қофоз, картон ва чоп этилган буюмлар	7,7	3,1	ўриндиқ мебеллар	22,3	3,9
цемент	0,2	2,0 б.	шиша ва шишадан тайёрланган буюмлар	4,4	3,4 б
тош, гипс ва керамик буюмлар	2,7	6,7 б			

Қурилиш материаллари импорти

2018 йилнинг январь-декабрь ойлари мобайнида 19,4 млн. АҚШ доллари миқдорида қурилиш материаллари импорти ҳажми амалга оширилди. Бу кўрсаткич 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 7,4 %га ўсиб, умумий импорт ҳажмининг 2,6 %ини ташкил қилди. Импорт қилинган қурилиш материаллари таркибидан цемент (1,0 %), ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари (75,3 %), асбест (1,0 %), керамика маҳсулотлари (3,1) ҳамда шиша ва шиша буюмлар (22,7 %) асосий улушни эгаллаган.

Қурилиш материаллари импорти таркиби

(2018 йил январь-декабрь ҳолатига)

ЦЕМЕНТ

Давлатлардан 0,2млн.АҚШ долларлик цемент импорт қилинганд. Ўтган йилга нисбатан 2,0 б. га ошган.



ЁФОЧ ВА ЁФОЧ МАҲСУЛОТЛАРИ

14,6 млн.АҚШ долларлик цемент импорт қилинганд. Ўтган йилга нисбатан 115,9 фоизга ошган.




АСБЕСТ

0,2 млн.АҚШ долларлик цемент импорт қилинганд. Ўтган йилга нисбатан 2 бараварга ошган.



ШИША ВА ШИША БУЮМЛАР

4,4 млн.АҚШ долларлик цемент импорт қилинганд. Ўтган йилга нисбатан 3,4 бараварга ошган.




Юқоридаги инфографикадан кўриниб турибдики, 2018 йилнинг январь-декабрь ойларида қурилиш материаллари импорт ҳажми 2017 йилнинг мос даврига нисбатан сезиларли даражада ошган. Қурилиш материаллари импорти ҳажмининг ўсишига юртимизда олиб борилаётган бунёдкорлик, хусусан, кенг кўламдаги қурилиш-реконструкция ишларини амалга оширилиши сабаб бўлмоқда. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, давлатимиз томонидан қурилиш маҳсулотлари импорти ўрнини босувчи товар ва маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда ички бозорни сифатли ва

арзон қурилиш материаллари билан тўйинтириш бўйича бир қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

**Бухоро вилоятига
асосий ҳамкор давлатлардан амалга оширилган импорт ҳажми**


Давлат номи	Млн. АҚШ долл.		Улуши, %		Ўрни	
	2017 й.	2018 й.	2017 й.	2018 й.	2017 й.	2018 й.
Қозоғистон	443,3	297,2	53,3	552,1	372,2	49,0
Россия	157,8	107,8	19,0	224,9	155,3	19,8
Қирғизистон	49,9	28,1	6,0	83,0	74,9	7,3
Афғонистон	44,6	37,2	5,4	67,6	49,3	6,0
Хитой	18,5	14,2	2,2	53,5	37,6	4,7
Туркия	25,7	29,4	3,1	20,5	21,7	1,8
Покистон	4,5	3,2	0,5	24,9	19,0	2,2
Вьетнам	8,5	5,7	1,0	22,4	14,5	2,0
Эрон	10,2	8,8	1,2	11,3	8,7	1,0
Украина	6,4	4,5	0,8	11,7	7,6	1,0
Беларусь	3,9	3,9	0,5	7,3	6,8	0,6
Ироқ	7,7	10,1	0,9	4,9	5,2	0,4
БАА	7,3	6,2	0,9	8,6	6,8	0,8
Латвия	4,3	3,3	0,5	5,2	4,2	0,5
Ҳиндистон	14,6	9,4	1,8	4,4	2,9	0,4
Озарбайжон	3,6	3,8	0,4	3,6	3,8	0,3
Бошқа давлатлар	20,9	19,8	2,5	27,6	24,5	2,4
Қозоғистон	443,3	297,2	53,3	552,1	372,2	49,0
Россия	157,8	107,8	19,0	224,9	155,3	19,8
Қирғизистон	49,9	28,1	6,0	83,0	74,9	7,3

Хизматлар импорти таркиби, (%)



Хизматлар импорти ҳажми 0,6 млн. АҚШ долларини ёки жами импорт ҳажмининг 0,1 %ини ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 83,0 %га ўсди. Хизматлар импорти таркибининг асосий улуши туризм хизматлари, транспорт хизматлари, қурилиш хизматлари ва телекоммуникация, компьютер ва ахборот хизматларидан иборат бўлди.

2018 йилда товарлар ва хизматлар импорти динамикаси (ойлар кесимида, млн. АҚШ доллары)



Шу билан бирга таъкидлаб ўтиш керакки, 2018 йилнинг ўтган даври мобайнида республикага импорт қилинаётган товар ва хизматлар декабрь оида, ноябрь оига нисбатан 4,9 млн. АҚШ долларга кўп импорт қилинди ва 84,7 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Вилоят импортида асосий ҳамкор давлатларнинг улуши (январь-декабрь)



2018 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоятга 683 дан ортиқ хорижий давлатлардан товар ва хизматлар импорти амалга оширилган.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, импорт таркибида асосий улушни ташкил қилётган машина ва асбоб-ускуналар ҳамда кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар асосан қайси давлатлардан республикамизга олиб кирилаётганлини қўйидаги схемалардан кўриш мумкин.

Юртимизда ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли испоҳотлар ва дунё мамлакатлари билан олиб борилаётган мустаҳкам алоқалар натижасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ошиб бормоқда.

Шунингдек, ҳукуматимиз томонидан бир қатор солиқ, божхона имтиёзларининг яратилиши, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқарилиши миллий маҳсулотларимизни ташқи бозорларда мустаҳкам ўрин эгаллашлари учун замин яратмоқда.

Tashqi iqtisodiy faoliyat va savdo
statistikasi boshqarmasi
Tel.:71-230-83-22